

49 (995)-сон

8 — 14 декабрь 2010 йил

Web-site: oilavajamiyat.uz

КОНСТИТУЦИЯМИЗ — БАХТИМИЗ ҚОМУСИ



3

**БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ —
СУД ҲИМОЯСИДА**



**ЭЛНИНГ
КОМИ БИЛА
ЯШАГАЙ
ИНСОН**

4



7



“ОБУНА — 2011”

“Оила ва жамият”ни ўз оиласининг яна бир ҳақиқий азбоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, дард-каш бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар! Шу йилнинг 1 сентябридан келгуси йил учун ОБУНА бошланганини эшитдингизми?

ИНДЕКС: Якка обуначиларга — 176,
Ташкилотларга — 177



Светлана РАДЗИВИЛ,
енгил атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида
жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари голибаси:

— Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари каби нуфузли мусобақаларда шохсупага кўтарилиш ҳар бир спортчининг энг эзгу орзусидир. Гуанчжоуда эришган муваффақиятимиз замирида Ватанимизда Президентимиз Ислам Каримов томонидан спортни, жумладан, хотин-қизлар спортини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор мужассамдир.

ВАТАНИ ШАРАФЛАШ — ЮКСАК БАХТ

Жорий йилнинг 12–27 ноябр кунлари Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган XVI ёзи Осиё ўйинларида Ўзбекистон спортчилари 11 олтин, 22 кумуш, 23 бронза, жами 56 медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида кучли саккизликдан жой олди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 1 декабрда қабул қилинган фармойишига биноан Осиё ўйинларининг ғолиб ва совриндорлари пул мукофотлари билан тақдирланди.

Тошкентдаги "Олимпия шон-шуҳрати" музейида XVI ёзи Осиё ўйинлари ғолиблари ва совриндорларини шарафлашга бағишланган маросимда мукофотлар ўз эгаларига топширилди.

Тантанали маросимда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида навқирон авлодни баркамол инсонлар этиб воғга етказиш, аҳоли, айниқса болалар ва хотин-қизларни соғлом турмуш тарзига кенг жалб этиш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шароит яратиш, халқаро спорт майдонларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қила олишга қодир спортчиларни тарбиялашга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик ўзининг юксак самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Бугун юртимизнинг барча ҳудудларида барпо этилган замонавий спорт мажмуалари, сув спорти саройлари мингминглаб ўғил-қизларнинг сеvimли масканига айланган. Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган таълим соҳасидаги уч босқичли узлуксиз спорт тизими — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", Универсиада мусобақалари ўғил-қизларимизнинг халқаро майдонда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишдек эзгу мақсадларни амалга оширишга қодир спортчилар бўлиб воғга етишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Гуанчжоудаги ўйинларда муваффақиятли иштирок этган ҳамюртларимиз орасида ушбу уч босқичли спорт мусобақаларида кашф этилган ва халқаро майдонда юртимиз байрогини баланд кўтариб келаётган навқирон ва забардаст спортчиларнинг кўплиги бунинг далилидир.

Юртимизда кўплаб спорт турлари бўйича жаҳон ва қитъа чемпиоatlари, нуфузли халқаро турнирларнинг юқори савияда ташкил этилаётгани ва спортчиларимиз халқаро мусобақаларда улкан



ютукларни қўлга киритаётгани туфайли дунё ҳамжамияти Ўзбекистонда спорт ҳам кенг ривожланганини эътироф этмоқда.

XVI Осиё ўйинларида дзюдочи Ришод Собиров, эркин курашчилардан Дилшод Мансуров, Артур Таймазов, боксчи Элшод Расулов, гроссмейстер Рустам Қосимжонов, велоспортчи Владимир Тўйчиев, энгил атлетикачилардан Юлия Тарасова, Светлана Радзивил, каноеда эшак эшиш бўйича Вадим Меньков, Серик Мирбеков ва Герасим Кочнев жуфтлиги, байдаркада эшак эшиш бўйича Сергей Борзов, Алексей Бобожонов, Алексей Мочалов ва Вячеслав Горн тўртлиги шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Кескин ва мурасасиз курашларга бой бўлган Осиё ўйинларида спортчиларимиз азму шижоат, ирода ва қатъият бобида ҳеч кимдан кам эмаслигини, халқимизнинг спорт соҳасидаги юксак салоҳиятини яна бир бор намоён этдилар.

— Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантиришга, халқаро ареналарда юрт шаънини муносиб ҳимоя қилаётган спортчиларни ҳар томонлама кўлаб-қуватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди XVI Осиё ўйинлари ғолиби ва жаҳон чемпиони Ришод Собиров. —

Биз, спортчилар давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган доимий ғамхўрликни ҳар қадамда ҳис қиламиз, бунинг учун Юртбошимиздан миннатдоримиз.

— Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпиоatlари каби нуфузли мусобақаларда шохсупага кўтарилиш ҳар бир спортчининг энг эзгу орзусидир, — дейди энгил атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари ғолибаси Светлана Радзивил. — Гуанчжоуда эришган муваффақиятимиз замирида Ватанимизда Президентимиз Ислам Каримов томонидан спортни, жумладан, хотин-қизлар спортини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор мужассамдир.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан боксчи Элшод Расулов ва энгил атлетикачи Юлия Тарасова давлатимиз раҳбари Ислам Каримовга мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама кўлаб-қуватлаш борасида кўрсатаётган доимий эътибори учун самимий миннатдорлик билдирдилар, бундай ғамхўрликка жавобан келгуси мусобақаларда ҳам давлатимиз байрогини сарбаланд этишга сўз бердилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

Ў.А.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Бугунги кунда фуқароларимиз, айниқса, эртанин ФХДЭ идораларига умид билан "Биз турмуш куриш учун ариза бермоқчи бўлиб келдик" дея мурожаат этаётган ёшлар расмий никоҳни қайд этишининг қонун-қоидалари, тиббий кўрикдан ўтиш мажбурий эканлиги, шунингдек, тўй-томшаларни ўтказишда дабдабозликка руҳ қўймастик лозимлигини яхши билишадди. Шу маънода Тошкент вилояти ҳудудида фаолият юритаётган барча ФХДЭ бўлимлари ҳамда давлат но-риал идоралари ходимлари амалдаги қонунчи-лик талаблари асосида қатор хайрият тадбирларни амалга оширишмоқда. Энг эътиборли жиҳати, юқорида таъкидланганидек, кенг жамоатчи-лик ўртасида аҳил ва тотув оилалар мустаҳкам-лиги билан боғлиқ тажрибалар, "Соғлом она — соғлом бола" ғоясидан кўзланган эзгу мақсад-лар, норасмий никоҳнинг зарарли оқибатлари ҳақида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориляпти. Вилоятдаги шаҳар ва туманлар тиббиёт бир-лашмалари ходимлари иштирокида ўтказилаётган учрашув, давра суҳбатларида, энг аввало, кўпни кўрган, ибратли оила соҳиблари, кеска ота-хон ва онахонларнинг тажрибалари ўрганилиб, малакали шифокор, ҳуқуқшунослар томонидан маърузалар тингланмоқда.

Яқинда Конституцияимизнинг 18 йиллигига бағишлаб Бекобод шаҳрида ўтказилган тадбирда Адлия вазирлигининг масъул ходими Тамара Тиллаева Бош Қомусимизнинг халқимиз ҳаётида тутган беқиеъ ўрни ва аҳамияти, шунингдек, оиланин-г жамиятдаги муҳим роли хусусида атрофли-ча тўхталди.

Наталья ХОМИЧ,
Тошкент вилояти ФХДЭ архиви мудир.

ЎНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

АВТОМОБИЛНИНГ ТЕКШИРИШ КЎРДИНГИЗМИ?

Ҳозир кўча тўла машина. Бундан кўзлар қувонади, албатта. Ахир бу тўқчилик, фаровонлик белгиси ҳисобланади. Одатда машина бош-қараётган кишининг нияти эса кўзлаган манзилига тезроқ етиб олишдан иборат бўлади. Лекин шундай ҳайдовчилар ҳам борки...

Биламиз, машинани ҳаракатлантирувчи ёқилғи, яъни бензин, керосин ва табиий газга салгина лоқайдлик ва эътиборсизлик қилинса, дарҳол ёниб кетиши мумкин. Бундай пайтда ул овда ёнғин ўчиргич бўлса-ку хўп-хўп, бир амаллаб ўчириб оلسа бўлар. Акс ҳолда бир зумда машина кулга айланиши ҳеч гап эмас. Ёки олайлик, транспортнинг техник кўрик мuddати ўтиб кетган бўлса, унинг электр қисмлари қизиб кетиши натижасида ҳам қисқа туташув содир бўлиб, кўнгилсиз воқеаларга олиб келиши ҳам мумкин. Ушбу мисолларга эътибор беринг:

...Шу йилнинг 17 май куни Жиззах вилояти Зарбдор тумани "Истиклол" СФУ ҳудудида Зарбдор-Пахтакор йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган Арнасой туманида яшовчи А.Акмаловга тегишли қўбланга «BMW» русумли автоуловида электр симларининг қисқа туташуви натижасида ёнғин чиқиб, мотор ва салон қисмлари ёниб, зарар кўрган.

27 август куни Қашқадарё вилояти Яқкабоғ тумани ҳудудида ҳаракатланаётган шу туманда яшовчи, 1964 йилда туғилган В. Сайидназаров бошқарувидagi «NEXIA» русумли автоулов электр симларининг қисқа туташуви натижасида машинанин-г салон қисми ёнган ва ҳайдовчи алангадан куйиб, тан жароҳати олган, шифохонга ётқизилган.

Агар таҳлилларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида республикамизда автомобиллар билан боғлиқ ёнғинлар сони 402 тани ташкил этган. Оқибатда, 6 нафар фуқаро ҳалок бўлган, 35 нафар киши эса тан жароҳати олган. Фуқароларга жами 407 млн. 209 минг 619 сўм миқдоридa моддий зарар етказилган. Аниқланишича, ушбу воқеаларнинг деярли барчаси автомобиллардаги электр симларининг носозлиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик сабабли содир бўлган. Ҳурматли ҳайдовчилар, ўзингиз ва бошқаларнинг ҳаётига хавф туғдирувчи бундай кўнгилсизликларнинг олдини олишни унутманг!

Умидхўжа АКРАМОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХББ катта муҳандиси, майор.

ШУ СОНГА ХАБАРЛАР

БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

Яқинда республика Адлия вазирлиги ташаббуси билан Конституцияимизнинг 18 йиллик байрамига бағишлаб пойтахтимиздаги «Ёшлар ижод саройи»-да «Ёш ҳуқуқшунослар» кўрик танловининг ҳал қилувчи босқичи ўтказилди. Унда мамлакатимиздаги ҳуқуқ фанига иxtисослашган 7 та юридик коллежи ва битта академик лицей жамоалари ўзаро куч синашишди. Танлов учта шарт асосида ўтказилиб, гуруҳлар энг аввало сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг мазмун-моҳиятини саҳна кўринишлари орқали ифодалаб, жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтиришга қаратилган тақлифларни кўргазмали куруллар асосида намоиш этдилар. Иккинчи шарт бўйича иштирокчиларга Адлия вазирлиги томонидан тайёрланган махсус саволлар берилиб, ўқувчиларнинг юриспруденция соҳасидаги билимлари янада мустаҳкамланди. Сўнгги шартда эса ҳуқуқий тақлиф ва тавсиялар кўргазмали ҳамда саҳна кўринишида ижро этилди.

Танлов натижаларига кўра Наманган юридик коллежининг «Адолат» жамоаси олий ўринни эгаллаган бўлса, Самарқанднинг «Дивантас» ва 1-Тошкент юридик коллежининг «Ярғу» ва Бухоро юридик ва маиший хизмат коллежининг «Баркамол авлод» гуруҳлари 2-ўринга сазовор бўлишди. Сўнгги 3-ўрин эса Жиззах ҳуқуқшунослик коллежининг «Консул» жамоасига насиб этди. Ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.

ҚОМУСИМИЗ ДАСТУРИЛАМАЛДИР

Мамлакатимизда ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни воғга етказмоқ йўлида кенг қўламли изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Мақсади-миз буюк аждодларимизга муносиб, истеъдодли, шижоатда тенгсиз, эртанги куннинг ишончли ворисларини тарбиялашдан иборатдир. Яқинда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳузурдаги Воёга етмаганларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида Конституцияимиз қабул қилинган куннинг 18 йиллигига бағишланган «Баркамол авлоднинг ҳуқуқий юксалишида Конституциянинг роли» мавзусида ўтказилган семинар ҳам ёшларнинг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоялашга бағишланди. Унда сўзга чиққанлар қонун устуворлигини таъминлаш йўлида Бош Қомусимиз дастуриламал ҳужжат вазифасини ўтаётганини, шунингдек, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ички ишлар идораларида амалга оширилаётган ишлар ва келгуси режалар хусусида атрофлича тўхтадилар.

— Баркамоллик ўз ишининг устаси, истеъдод эгаси бўлиш билан бирга Ватани ва халқига содиқ инсон бўлишни ҳам тақозо этади. Бунинг учун, энг муҳими, биз катталар Конституцияимизнинг моҳиятини, ундаги ҳар бир модданин-г мақсадини фарзандларимиз онгига чуқур синдириб, ана шундай тамойил асосида яшашга ўргатиб бормоғимиз лозим, — деди ўз сўзида Тошкент шаҳар ИИББ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиги Азиз Эрназаров. — Шундагина ҳар бир оила, ота-она ўз фарзандининг кела-ганини ўйлаган, ҳаёти давомида тўғри йўлдан қоқилмай юришига қўмақлашган, керак бўлса ҳуқуқбузарликни, жиноятчиликни олдини олган бўлади.

Севара РЎЗМЕТОВА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасига кўра оила жамиятнинг асосий бўлини ҳисобланади ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Ҳар бир оилада фарзандлар умуминсоний қадриятларни хурматлаш, оналикни муҳофаза этиш ва болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро ҳуқуқ қоидаларига содиқ бўлиш, маънавий меросни сақлаш ва ривожлантириш, юксак ватанпарварлик, софлик ва ҳалоллик руҳида тарбиялаш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш ота-оналарнинг конституциявий, қолаверса, маънавий бурчи ҳисобланади.

1998 йил 1 сентябрдан бошлаб амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси оилани мустақиллаш, вояга етмаган болалар ва меҳнатга лаёқатсиз кишиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этишининг устунигини назарда тутди. Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларнинг судлар томонидан қонуний ҳал этилиши ота-оналарнинг ва болалар ҳуқуқларининг муҳофазасини, ота-оналарнинг ўз фарзандларини тарбиялашдаги масъулиятини оширилишини таъминлашга имконият туғдиради ва уларнинг эртаимиз эгалари манфаатларига зид бўлган ҳуқуқларидан фойдаланишларига барҳам беради.

Болалар тарбияси билан боғлиқ энг муҳим жиҳатлар қуйидагилардир: боланинг турли сабабларга кўра яшамаётган ота-онадан қайси бири билан яширига яшаши; улар ўртасида боланинг тарбиясида иштирок этишга қаршилиқни бартараф этиш; бошқа шахсларнинг тарбиясида бўлган болаларни ота-онасига қайтариш; ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этмасдан болаларни олиш (ота-оналик ҳуқуқи сақланган ҳолда); боланинг ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота-она билан учрашиб туриши (ота-оналик ҳуқуқи кафолатланган ҳолда); фарзанднинг

ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота-она билан кўришиши; ота-оналик ҳуқуқи чеклиниши ҳамда фарзандликка олишни бекор қилиш ёки уни ҳақиқий эмас деб топил тўғрисидаги ва бошқа низолар судда кўриб чиқилиши мумкин.

Суд 10 ёшга тўлган бола ўз ота-онасининг қайси бири билан

даги иштирок этиш тартибини белгилайди ва бола билан бир-га турадиган ота ёки онага бунга қаршилиқ кўрсатмаслик мажбуриятини юклайди.

Оила кодексининг 96-моддасига кўра, ота-она вояга етмаган болаларини таъминлаш шарт. Ўз зиммасидаги бундай мажбуриятларни бажармаган ота

тўламаслик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Оила кодексининг 80-моддасига мувофиқ ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд тартибиде амалга оширилади. Бундай жараёнлар ота (она)нинг

ЖАРАЁН

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ — СУД ҲИМОЯСИДА



яшаш истаги борлигини ҳам эътиборга олиши мумкин.

Оила кодексининг 76-моддасига биноан фарзандидан алоҳида турадиган ота ёки она ўз боласи билан кўришиш, унинг тарбиясида иштирок этиш ва таълим олиш масаласини ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, алоҳида яшайдиган ота-она ўз ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби тўғрисида ёзма равишда келишув тузишга ҳақли. Агар улар ўзаро келишма олмасалар, мазкур низо ота-она (ёки улардан бири)нинг талабига биноан суд томонидан васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида ҳал қилинади. Суд томонларнинг болани тарбиялаш

(она)дан суднинг ҳал қилув қарори ёки буйруғига асосан алимент ундирилади. Бундан ташқари, ота-она факулдада ҳолатлар (боланинг оғир шикастланиши, касал бўлиши ва ҳ.к.) туйғайли келиб чиққан, боланинг таъминоти учун зарур бўлган қўшимча харажатларда ҳам иштирок этиши шарт. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-моддасига асосан вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига асосан ундирилиши лозим бўлган маблағларни жами уч ойдан ортиқ муддат мобайнида

(жумладан, уларнинг ўрнини босувчи шахслар), прокурорнинг, шунингдек, вояга етмаган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган орган ёки муассасалар (васийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялайдиган муассасалар ҳамда бошқа идоралар) даъвосига биноан кўриб чиқилади. Шу жумладан, жойлардаги туман, шаҳар, вилоят ҳокимиятлари ҳузурдаги вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияларга амалдаги низога назарда тутилган тартибда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида кўриб чиқилиши лозим.

Суд ота-онадан бирини ота ёки оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги даъвонинг кўришида болаларнинг келгусидаги тарбияси учун етарли шароитларни таъминлаш ва ота-онанинг қонунда белгиланган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида алоҳида яшайдиган ота ёки онанинг турган жойини аниқлаши, уларни мазкур ишда иштирок этишга жалб этиши ва бо-

Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 64-модда.

лани тарбиялаш учун олиб бериш ҳақида талаб қилинган ҳолларда уларга болани олиб бериш мумкин ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳам муҳокама қилиши шарт.

Ота-она (ёки улардан бири) Оила кодексининг 79-моддасига биноан ота-оналик ҳуқуқидан ўзларининг айбли хулқ-атворига кўра, агар ўз зиммаларидаги мажбуриятларни бажаришдан бош тортса, шу жумладан, алимент тўлашдан бўйин товласа, узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғуруқона ёки бошқа даволаш, ўкув-тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаларидан олишдан бўйин товласа, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, болаларга нисбатан руҳий таъсир кўрсатса, муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса, ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса, табиий равишда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Боланинг ҳаёти ва соғлиғига қарши ота-она томонидан қасддан жиноят содир этиш хавфи ҳисобланади. Бундай асосларга кўра уларни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишга фақат суднинг ҳукми бўлгандагина йўл қўйилади.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва амалдаги бошқа қонунлар асосида болалар ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда кафолатлаб қўйилган манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш судларимизнинг энг асосий бурч-вазифаларидандир.

Абдурахмон САФОЕВ,
Фуқаролик ишлари бўйича
Оҳангарон туманларо
суди раиси.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 42 фоизини вояга етмаганлар ташкил этади. Шу боис ҳам ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, бу борадаги қонунчилик асосларини тақомиллаштириш алоҳида эътибор талаб қиладиган масалалардан биридир. Амалдаги қонунчилигимизда бола ҳуқуқлари ва манфаатларини кафолатлашга катта аҳамият берилган. Бу борада қонунчилик асосини Бош Қомусимиз ташкил этади. Унга кўра, бола дунёга келиши билан инсон ҳамда фуқаро сифатида ўз ҳуқуқ ва эркинликларига эга бўлади ва бу давлат томонидан кафолатланади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ратификация қилинган дастлабки халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири ҳам Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция бўлди (1992 йил). Конвенция талабларига мувофиқ, бола ҳуқуқлари Оила кодекси, Меҳнат кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида мустақамлаб кўйилди. Ортимизда вояга етмаган болалар учун нафақа ундириш, уларнинг қонуний вақиллари бўлмаган тақдирда нафақанинг ҳомийлик ва васийлик органларига берилиши, болалар ҳуқуқларини таъминлашда барча давлат органларини жалб этиш конвенцион норманинг миллий қонунчилигимиздаги кўринишидир.

“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди, десак адашмаймиз. Мазкур меъёрий ҳужжат мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган доимий эътиборнинг яна бир ёрқин ифодасидир. 2008 йил 8 январда кучга кирган қонун бола ҳуқуқларининг таъминлашини янги босқичга кўтариш учун қулай имконият яратди. Қонуннинг 10-моддасига биноан, ҳар бир бола эркинлик, шахсий дахлсизлик, тураржой

дахлсизлиги ва хат-хабарларини сир туттиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир бола ўз шаъни ва қадр-қимматига қилинган таъвозулардан, шахсий ҳаётига гайриқонуний аралашувлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Давлат боланинг шахси, турар жойи дахлсизлигини, хат-хабарлари сир тутилишини таъминлайди. 13-моддага асосан эса, ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, улар билан бирга яшаш ва уларнинг гамхўрлигидан фойдаланиш ҳуқуқига эга, унинг манфаатларига зид бўлган ҳоллар бундан мустасно. Боланинг ота-онаси бўлмаганда, улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ҳамда бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда унинг оилада яшаш ҳамда тарбияланиш ҳуқуқи васийлик ва ҳомийлик органи томонидан таъминланади. Ота-онасининг

“Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир”.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 45-модда

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ

никоҳдан ажралоши, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топиллиши ёки ота ва онанинг бошқа-бошқа яшаши боланинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди.

Қаровсиз қолган, етим-есир болаларга эътиборни янада кучайтириш, «Сен ёлғиз эмассан» шиорини ҳаётимизга чуқурроқ сингдириш муҳимлигини таъкидлаш шарт бўлмаса керак. Конституция-мизнинг 64-моддасида ҳам “Давлат ва жамият етим болаларини ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятини рағбатлантиради”, дея таъкидланади. Оила кодексиде кўрсатилишича, ота-она вафот этганда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда ёки муомаллага лаёқатсиз деб топилганда, болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш-

дан бўйин товлаганда, шунингдек, болалар ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда уларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида васийлик ёки ҳомийлик белгиланади.

Ота-она қаровсиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотлар эса васийлик ва ҳомийлик органига боланинг қариндошлари, фуқароларнинг ўзини ўзи боқариш органлари раислари, ФХДЁ органларининг мансабдор шахслари, судлар, муассасалар, жамоат бирлашмаларининг мансабдор шахслари, болаларнинг ота-она қаровсиз қолганидан хабардор бўлган фуқаролар томонидан тақдим этилади. 2008 йили Мамбурий жа-вобгарлик тўғрисидаги кодекс 471-модда билан тўлдирилиб, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотлар ҳақида васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик ёки атайлаб нотўғри маълумотлар бериш мансабдор шахсга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши қайд этилган. Бинобарин, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш давлат ва жамиятнинг муҳим вазифасидир, бунга бефарқ қараб туришга на қонуний, на ахлоқий жиҳатдан олганда ҳам ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.

Озодаҳон СОТВОЛДИЕВА,
Тошкент шаҳар Юнусобод тумани-
даги 1-сонли давлат нотариал
идораси катта нотариуси.

Транспорт тизимидек «нони қаттиқ» соҳада суюги қотган Мансур Алиевнинг ҳаёт йўлини кузатиб, ундаги метин ирода, мустаҳкам азму шижоатга қойил қолади киши. У транспорт тизимида кириб келганида соҳада ҳали қилиниши керак бўлган муаммолар етарли эди. Кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида бор кучи, билими, ғайратини шу муаммоларни ҳал қилишга, соҳани тарққий эттиришга сарфлади.

Бунёдкорлик — инсонни безайдиган улугъ фазилат. Мансур Алиев табиатан тиниб-тинчимас, ишлаб, яратиб чарчамайдиган одам. Утган асрнинг энг йирик қурилишлари — Тошкент метрополитени, Тошкент телеминораси, «Халқлар дўстлиги» (ҳозирги «Истиклол») санъат саройи, «Наврўз» тўй-маросимлар мажмуаси, Киночилар уйи, Чорсу бозори ва меҳмонхонаси ва бошқа кўплаб турар-жой, йўл, кўприклар бунёд этилишида, қўйингки, 2,5 миллиондан ортиқ аҳоли яшаётган Тошкент шаҳрининг сановат, қурилиш, савдо ва ободончилиги йўлида ишлашида жонбозлик кўрсатди.

Мансур Алиев юксак малакали мутахассис, бошқарув санъатини пухта ўзлаштирган моҳир раҳбар, энг муҳими, ажойиб фазилатлар соҳиб бўлган хушхулқ инсон сифатида тилга тушган. Бу инсон билан бир марта бўлсин суҳбатлашганлар унинг муомаласи, кенг дунёқарashi, чуқур билимига тан беришади. Халқда бундай одамларга нисбатан «суҳбатлашиб тўймайсан» деган ибора ишлатилади. Ҳаётнинг кўп иссиқ-совуғини, пасту баландини кўрган бу суҳбати соз донишманд ҳаётий муаммоларни, касбий ёки оилавий масалаларни — бағиға жуъли маслаҳат-муносабат билдиради. Унинг муомала санъатига қойил қолмай илож йўқ. Ҳар қандай мураккаб масалани ўта хотиржам ҳолда, ётиги билан тушунтириш, ширин сўзи билан кўпчилигининг кўнглига йўл топа билиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Чехраси ҳамиша офтобдек қулиб турадиган, каттаю кичик, ёшу қарига бирдек тавозе кўрсатадиган Мансур акага худо шундай бир файз бериб қўйганки, дўсту ёрлар, ҳамкасблар, ҳешу ақрабо — барча унга талпинида, суҳбатида бўлишга интилади.

Китобхонлик — инсонни ҳар томонлама юксалтирадиган машғулот. Таниқли ёзувчилардан бири ўзидаги барча фазилатлар учун китобдан миннатдор эканини айтганида қанчалар ҳақ эди! Айниқса, раҳбар — у тўртта одамга бош бўлади, бутун бошли жамоага ёки худудга етакчилик қиладими, кўп ва хўб мутолаа қилиши керак. Мансур Алиевнинг китобхонлик фазилатидан уни таниган, бил-

Бу кишини транспорт соҳаси бўйича «тирик қомус» деб аташ мумкин. У мазкур тизимнинг куйи погоналаридан юксак рутбаларига қадар йўлни қоқилмай босиб ўтди. Турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган кезлари халоллик, тўғрилик, адлу инсофга терс бормиди, одамлиликни ҳамиша ўзига ҳаётий матлаб деб билди. Шунинг учун ҳам маҳалла-қўй, ҳамкасбларидан у ҳақда фақат ёруғ сўзлар, илик фикрлар эшитасиз.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган транспорт ходими Мансур Алиевни республикаамиз транспортчилари жуда яхши танийди. Узоқ йиллар масъулиятли соҳада хизмат қилган бу инсон бой билими, касбига чексиз муҳаббати ва фазилатлари билан хурмат қозонди, кўпдан-кўп хайрли ишларга бош-қош бўлди.

ганлар яхши хабардор. Янги чиққан бандий асарми, илм-фаннинг турли соҳаларига оид адабиётми, ҳали босмаҳона хиди кетмасидан харид қилади, ҳеч бир саҳифасини қолдирмай ўқийди, кўнглига ўтиришган сатрларни эринмасдан ён дафтарига кўчириб чиқади. Унинг фик-

ган улугъвор марра бўлса-да, шунга бор кучим билан интилдим», дейди у.

Мутолаага иштиёки баланд Мансур Алиевнинг ўзи ҳам тош босадиган бир нечта китоб ёзиб улгурган. «Ҳаёт сабоқлари» асари унинг таржимаи ҳолидан

ЭЛНИНГ КОМИ БИЛА ЯШАГАЙ ИНСОН



ри бутунлиги, тафаккури кенглиги, ҳар қандай муаммоли вазиятдан топқирлик билан чиқиб кета олиши — кўп мутолаа қилганидан. У билан ҳамсуҳбат бўлган одам қаршисида фақат тажрибали транспортчи эмас, адабиёт муҳибни, қалами ўткир ижодкор турганини сезмай қолмайди. «Мен ёшлигимдан — эсимни таниб, мустақил фикр юрита бошлаганимдан эътиборан чинакам қомил инсон бўлиш орзусида яшадим. Гарчи бу буюк алломалар орзу қилган, ҳар кимга ҳам насиб этавермайди-

ҳижоя қилибгина қолмай, автотранспорт тизимининг ютуқ ва камчиликлари, соҳа жонқуярлари тўғрисида ҳолис тарих ҳамда ҳаёт тажрибасига бой инсоннинг ибрат бўларли насихатномасидир, десак хато бўлмайди. «Умрим мазмунни» номили инкинчи китобни ҳам ўқиб, муаллифнинг бой маънавий олами билан ошно бўласиз.

Фарзандларига насихатнома ёзган улугъ инсонларга ҳавас қилиб, фарзандига мурожаат тарзида «Меҳр изҳори» риволасини ёзди. Ушбу мўъжаз асарда

✓ НУР ТўЛА УЙ

муаллиф жигарбандини инсонийлик аъмолини мустаҳкам тутиб, ҳаёт йўлларида қоқилмай олға юришга, ҳалол ризку рўз ила фарзандларини камолга етказишга, ҳамиша юрт хизматида қоим бўлишга даъват этади. Алиевлар хонадонининг оилавий аъналари тасвирланган рисола катта тарбиявий аҳамиятга эга. Қани энди, ҳаммамиз ҳам бундан ибратлансак, келажак авлодларимизга ўзимиздан бир қалима бўлсин тирик сўз қолдира оласак...

Фарзанднинг қандай инсон бўлиб камолга етиши оиладаги тарбияга, ота-она ўғитларига боғлиқ. Мансур Алиевнинг эл аро хурмат қозониши, юрт қорига яраган инсон бўлиб вояга етишида меҳрибон падари бузруквор ҳамда волидаи муҳтарамаси — Маҳмуд ота ва Ойимча онанинг дуолари, пандлари маёқ бўлган бўлса, не ажаб.

Юксак мақсадларни кўзлаган, умрини эзгуликка бахш этган инсонлар кексалик фасли эшик қоқиб турса-да, меҳнатдан, ўзи меҳр қўйган фаолиятдан чекинмайди. Айни пайтда Мансур Алиев «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасининг нашри — «Royntax transport» газетаси бош муҳаррири бўлиб ишламоқда, соҳада масъул лавозимларда хизмат қиладиган шогирдларига маслаҳату ўғитлар бериб келмоқда.

Кимса минг йил қомонлик қилса билким, арзимас Даҳр аро бир лаҳза бўлмоққа биров коми била.

Мансур Алиев ҳазрат Навоийнинг ушбу байтини мудом такрорлаб юришни ёқтиради, зотан, ўзи ҳам бир умр ушбу ҳикматга амал қилишга интилиб келмоқда.

Мансур ота рафикаси Зухри она билан 4 фарзандни чиройли одоб эгалари қилиб вояга етказишди. Энди эса 16 неварга, 2 чеваранин дуойи жонини қилиб, пиру бадавлат бобою момо бўлиб юришибди. Кўёвлар ўғилдек, келинлар қиздек аҳил-иноқ оилага маҳалла-қўй ҳавасда.

Инсон учун ҳаётда халолликка бекнуксон амал қилиб, аҳли оиласининг покиза халқумига ҳаром юқтирмай, азиз бошини ҳам қилмай яшашдан аълороқ неъмат йўқ. Оқил раҳбар, моҳир мураббий ва маслаҳатгўй, гўзал қалб ва хушхаўқ соҳибни, донишманд падари бузруквор, нуруний бобо... Мансур Алиев ана шундай бахту саодатларнинг барчасига муяссар бўлган инсон десак адашмаймиз.

**ИсмаТ ХУДОЁРОВ,
СоБиржон ЁҚУБОВ**

ҚАЙНОТА-КУЁВНИНГ ТУПРОФИ

✓ ҚИЗИМ, СЕНГА АЙТАМАН...

Ҳар биримиз ўз оиламиздаги тарбиянинг маҳсулимиз. Ҳаётдаги асосий тутумларимизни эса одатда ўзимиз мустақил яратишга интиламиз, аммо ис-таймизми-йўқми, қандай яшаш илмини қарийб тўлиғича ота-онамиздан ўрганамиз. Ўз оила моделимизни яратаётганда ҳам асосан болалик ва ёшлиқда олган ҳаётий тажрибаларимизга таянамиз.

Бахтли оилада ўсган қизлар онгли равишда ўз отасига ўхшаш умр йўлдоши қидиришади. Баъзан бу ўхшашлик фақат феъл-атвор, муомала тарзи ва ҳаётга қарашидagina эмас, ташқи қўри-нишида ҳам кузатилади. Халқимиз орасида «Қайнота ва куёвнинг тупроғини бир жойдан олинадими» деган нақл юриши шундан. Қиз оила қурғач, эри билан муносабатларида ўз онаси тажрибаларидан фойдаланади. Хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин,

бир жойдан олинган, дегани ростми?

гайри шуурий тарзда онасининг юриш-туришини такрорлай бошлайди. «Онасини кўриб, қизини ол» деган мақол ҳам бежиз айтилмаган-да! Яна дейдиларки, хотининг қандай кексайишини кўрмоқчи бўлсанг, қайнонганга қара.

Қизлар онасидан қандай ибрат олган бўлса, йигитлар ҳам ихтиёрий ёки гайри-ихтиёрий равишда оталари феъл-атворини қайтаради. Шу боис қизларимиз паспортига никоҳ муҳри-ни қўйдиришдан олдин бўлғуси қайнота-қайнонаси орасидаги муносабатни бир қур кўз ўнгидан ўтказиб олсалар, зарар қилмайди. Ким биландир умр

ришталарини боғлар экансиз, унинг ота-онаси оилавий ҳаётини



ни қайсидир даражада ўз тақдирингизда такрорлашга рози бўлиб, келгусида нималар билан тўқнаш келишингиз мумкинлигини яхши англаб ети-

шингиз лозим.

Бўлғуси қайнотангизнинг хулқ-атвори ва ҳаётга қарашига, аёлига ва умуман аёлларга муносабатига, хотинининг қариндошлари ва ўз болаларига муомаласига синчиклаб разми солинг, ипидан игнасиғача ўрганиб олинг. Агар сиз буни урдаласангиз, ҳамма-ҳаммаси, хусусан, эрингиз билан муносабатларингиз яхши томонга силжийди. Билингки, муайян ёш ва турли вазиятлардаги мизож ва хатти-ҳаракатингиз қайнонгангизнинг ўша ҳолатдаги феъл-атворига мувофиқ келса, нур устига нур. Бинобарин, катта ёшли эрақларга онасининг ғамхўрлиги, умуман, муомаласи камдан-кам ҳоллардагина малол келади. Бундай ҳолатда эса у ўзи учун онасига қарама қарши характердаги аёлни излайди, аммо шу ўринда ҳам отаси феъл-атворини такрорлаёт-

ган бўлади.

Агар йигит отаси эмас, онасининг қаттиқ таъсири остида улғайса, балки оила қурғач, эр-хотинлик муносабатларини ўрнатилганда қийналмаслиги мумкин. Аммо фарзандлари туғилгандан сўнг, оталик вазифасини яхши урдалай олмай қолади ва оиласидаги ўрнини тезда йўқотади. Бундай вазиятда сиз турмуш ўртоғингизга яқиндан ёрдам беришингиз керак... Қисқаси, оила қуришдан олдин йигит ҳам, қиз ҳам келгусидаги ҳаётни қандай кечиши мумкинлигини қайнота-қайнонасининг оиласига қараб қисман билиб олиши мумкин. Демак, ҳали ҳаммаси ҳақида ўйлаб олиш учун имкон етарли бўлади.

**Лайло АХМЕДОВА,
Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 5-сонли давлат нотариал идораси нотариуси.**

**“Хар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли”
Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси, 36-модда**

Халқимиз дастурхонини тўкин ва обод қилиш йўлида самарали меҳнат қилаётган, чин маънода ўзини шу замин соҳиби, мулкдор деб англаган, ҳақ-ҳуқуқлари Бош қонунимиз билан кафолатланган

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги “САНОБАР САПАРБАЕВА” фермер хўжалиги жамоаси

юртимизнинг барча ҳудудларида ўзларининг улкан ютуқлари билан республикаимиз иқтисодий тараққиётига улуш қўшиб келаётган маърузи ҳалол фермерларини Конституциямиз қабул қилинганининг 17 йиллик байрами билан чин дилдан қўтлайди!

Хар бир оилага ободлик, дастурхонларига тўкилик ва файз-барака тилаймиз!



Эртани пуфли калажанимиз нағарни бўлган фарзандларимизнинг ўқиб, билим олишлари йўлида мамлакатимизда барфа шарт-шароитлар яратиб берилган. Ана шундай катта имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳуқуқини Вақтинимиз Бош Қонунининг 41-моддасида алоҳида қайди этиб қўйилган бўлиб, яъни хар бир фуқаро билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги ва бопул таълим олиш давлат томонидан кафолатланганига алоҳида уфру берилган.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ БОҒОТ МАЙШИЙ ХИЗМАТ ВА АХБО- РОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ КАСБ- ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

барфа юрдошларимиз ҳамда илму маърифат соҳаси вакилларини Конституциямиз қабул қилинган кунини 18 йиллик муносибати билан самимий муҳофазат этади!

Инсонларвар демократик ҳуқуқий давлат қуришдек улур ва хайрли ишларимиз ҳаммша бардавом бўлаверсин!

«NORBEKOV SOG'LOMLASHTIRISH MASKANI»



Сизларни соғломлаштириш курсларига таклиф этади!
Агар ўзингиз истасангиз ўз дардингиздан халос бўлишингиз мумкин. Бу йўлда биз Сизга ёрдам берамиз. Буниг учун Сиздан фақат хоҳиш, ҳаракат, ишонч ва озгина меҳнат талаб қилинади. Бизнинг марказимизда академик Мирзакарим Норбеков услуби бўйича ҳеч қандай дори-дармонсиз, ташқи таъсирларсиз 10 кун мобайнида турли хил машқлар ёрдамида инсоннинг ички ҳимоя кучлари шига солиниб, кўплаб дардлардан фориғ бўлишингизга кўмаклашалади.

“Саломатлигим тикланди”

Мен М.С Норбековнинг соғломлаштириш маркази курсига қатнадим. Кайфиятим жуда тушқун тарзда бўлиб, ҳаётга қизиқишим қолмаганди. Буни мен қарилликка йўрдим.

Соғлигимдаги муаммолар кундан кун кўпайиб борарди. Даволансам яна қайталаб ўша ҳолга тушардим. Демак, “Инсон касаллиги тузалмайди, балки инсон унга мослашиб борали экан-да”, дердим. Бу курсга қатнашиб ҳаётга қизиқишим орди, яна кўп янашамни ҳис қилдим, кайфиятим кўтарилди, ҳали кўп нарсаларга қодир эканлигимни билди олдим, айниқса, соғлигим ўз қўлимда эканлигини тушундим, кўзларим равшанлашди, бошим ва бўғимларимдаги оғриқ йўқолди.

Ўзимни осойишта, соғлом, хушчақчақ ҳис қила бошладим.

Қамбархон, Кўкон шахри.

МАНВИЛИМИЗ:

Тошкент шаҳри,

Чўпон ота кўчаси, 23-«а» уй.

Мўлжал: метронинг М.Улугбек бекати,

9 қаватли сариқ бинонинг орқасидаги 2 қаватли бинода.

Батафсил маълумот учун телефонлар: (8 371) 276-44-59; 276-28-89.

www.norbekov.uz e-mail: madadi-sino@mail.ru

Гувоҳнома № 000162.

Кейинги соғломлаштириш курслари 14 декабрь кунни соат 10⁰⁰ да бошланади. Биринчи кун кириш бепул.

«ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ

куйдаги ўқув курсларга таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.	Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.	Каштачилик — 3 ой (машинкада вишивка).
Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.	Тўкувчилик — 2 ой.
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш.	Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Ҳамшира (тезор) — 3 ой.	Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Тиббий массаж — 2 ой. Нуқтали — 1 ой.	Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.	Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
Пишириқлар олий курси — 1 ой.	Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой.
Уйғурча таомлар ва салатлар — 1 ой.	Арабча ва миллий рақс — 3 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.	Барчаси амалиёти билан
Педикюр, маникюр — 1 ой.	Ётоқхона мавжуд.
Сартарошлик — 3 ой.	
Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.	
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.	
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.	

Ўқини тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Тошкент шаҳри Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона.

Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, (8 371) 221-77-72 (кундузи),

(8 371) 225-97-93 18:00 дан 22:00 гача.

ТОШКЕНТ ИҚТИСОДИЁТ КОЛЛЕЖИ

**СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ МАҚСАДИДА ТАНЛОВ ЭЪЛОН
ҚИЛАДИ:**

Танловда давлат рўйхатидан ўтган, умумий овқатланиш бўйича камида олти ой давомида фаолият юритаётган, маҳсус моддий-техник базаси ва озиқ-овқат технологияси бўйича мутахассислари мавжуд бўлган юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

Бунинг учун талабгорлар бир ой муддат ичида танлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилишлари лозим.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

- Юридик шахсининг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
- Умумий овқатланишни ташкил этиш соҳасидаги фаолияти, иш-тажрибаси тўғрисидаги маълумотнома;
- Маҳсус моддий-техник база ва озиқ-овқат технологияси бўйича малакаси мутахассислари мавжудлиги ҳақидаги маълумотнома.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 19-мавзе 37-уй,
Мурожаат учун телефонлар: 220-03-68, 220-04-15

МАЪРИФАТЧИЛАР ОИЛАСИ

Шомурод Бердикулов Самарқанд Шомурод ака олимпик билан бирга давлат университетининг математика факультетини битиргач, 25 ёшида пойтахтга кўнгулда бир дунё орузлар билан келган эди. 1976 йилда Кибернетика институтининг аспирантурасига ўқишга кириб, академик Ф.Б.Абуталиевдан илм сирларини пухта ўрганиб, олий математиканинг дифференциал тенгламалари соҳасида номзодлик диссертациясини ёқлади.

Кейинчалик эса у 30 йилдан охиқ давр мобайнида турли олий даргоҳларда катта ўқитувчи, доцент илмий унвонларига эга бўлиб, талабаларга дарс берди.



логиялари университетидеда ўқитувчилик қилган Маҳмуда ая билан Шомурод акаларнинг тўрт фарзанди жамиятимизнинг турли соҳаларида хизмат қилишяпти.

Адхам ДАМИНОВ.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ЯНГИАРИҚ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ, ТУМАН ҲОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ

*мамлакатимиз
аҳлини қутлуғ
байрам —
8 декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси
Конституция-
сининг 18 йил-
лиги билан чин
юракдан
табриклайди!*



*Дарҳақиқат, Бош Қомусимиз юртимизда яша-
ётган барга фуқароларнинг эрки ва ҳуқуқи, бахт-
саодати, тинч-попувлиги, ҳамжисҳатлигини ка-
фолатлайди. Шундай экан, ҳар биримиз шу
азиз ва муқаддас Ватан тараққиёти, юк-
салиши йўлида фидойилик намуналари-
ни кўрсатиб яшайлик, ишлайлик.*

**Байрамингиз муборак бўлсин,
муҳтарам юртдошлар!**

«...Уйда телевизор кўриб ўтирган-дим. Эшигимиз кўнгириги жиринглади. Секин бориб очсам, остонада бир пайтлар уйимизни таъмирлаб кетган уста Собир турарди. Гарчи бир ойча ишлаган бўлса-да, негадир очиккўнгиллиги ва ҳалоллиги туфайли у билан кўп йиллик қадрдонлардек бўлиб кетгандик.

— Э, Собиржон ука, қани, қадамларига ҳасанот, бор экансиз-ку, нега кўринмай кетдингиз?

У қимтинибгина жавоб берди:

— Ботир ака, уэр, ишларим кўпайиб, вақт тополмадим, уйдагилар, янгам, жиянлар омонми?

— Худого шукр, ҳаммаси яшши.

Кузатиб турибман, Собир кўлидаги елим халтани бир четга қўймасдан, маҳкам ушлаган кўйи ичкарига кирди. Ўтирдик. У креслонинг бир чеккасига омонатгина чўқди. Қотмадан келган, гапираётганда, кўпроқ ерга қарайди, тик боққанингиз сайин кўзларини олиб қочадиган, узун-узун чиройли бармоқларини бир-бирига кийштириб ўтирадиган бу йигит катта кресло ўриндигининг бир бурчагида қимирласа ерга кириб кетгудай бўлиб ўтирарди. Гапга солиш учун секин сўрадим:

— Бу... қайси шамоллар учирди энди, қаердасиз ҳозир?

— Шаҳардаман, ака, сизга бир илтимос билан келувдим, — деди охири.

— Бош устига, қўлимдан келса бўлди ука, айтинг-чи, — дедим-у, қанақа илтимос экан деб бирданга ичимга гулгула тушди.

— Ботир ака, биласиз, бу ерда сиздан бошқа яқинроқ одамим йўқ. Агар рози бўлсангиз...

У-фф, намунача чўмас, айтақолмайсанми? Тоқатим тугаб борар, ўзимча ҳойнаҳой бу бола қарз сўраб келганга ўхшайди-ёв, ўзи шу етмай турувди, деб ўйлардим. Яхши гап билан жўнатиб юрмасам бўлмайди. Ниҳоят йигит «ёрилди»:

— Қишлоқда онамнинг тоблари қочиб қолди. Шунга хозирқо бўнама-сам бўлмайди. Анча вақтдан бери ишлаб, йигиб қўйган бироз пулим бор эди. Шунингизга қолдирсам, нима дейсиз?

Энди елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди, енгил нафас олдим:

— Ие-ие, шундай демасизми, жоним билан, бемалол ташлаб кетаверинг. Собир кўлидаги елим халтани менга тўтказиб, ҳатто қанчалигини ҳам айтмасдан шошилиб чиқиб кетди.

У кетиши биланоқ сабрим чидамай халтани очиб кўрдим. Анчагина экан, орасида "кўк"идан ҳам бор. Ҳалоли бўлсин, кўлида хунари бор одам хор бўлмайди, деганлари шу-да! Менинг ўғлим эса, юрибди кўча чангитиб.

Шу-шу бўлди-ю, Собирдан хабар бўлмади. Бир куни уйда хотиним билан гаплашиб ўтирганимизда уни эслаб қолдик.

— Тинчликмикан ишқилиб, икки ой бўлаяпти, ундан дарак йўқ.

Хотиним мингирлади:

ОЛАРДА КИРАР ЖОНИМ, БЕРАРДА...



— Онанинг тоби йўқ экан, дегандингиз-ку. Балки, қайдан биласиз, бирон нохушлик рўй бергандир?

— Нима дейсан, ҳалиги пулларни шу икки ой ичида айлантисан, ёки бировга фоизга берсан ҳам анча-мунча ишлаган бўлардинг-а?

Бу гапни эшитган аёлимга ҳам жон кирди:

— Мен ҳам бир-икки марта маслаҳат солай дедим, лекин сўраб келиб қолса нима қиламиз деб айтмовдим. Нима дейсиз, лекин ҳалиям кеч эмас...

— Омонат-ку, онаси, бировнинг ҳақига хиёнат қилиш гуноҳ дейишадди, — дедим унга қарата.

— Қўйсангиз-чи, шу эски гапларни. Ҳамма шундай қилиб бойиб кетяпти. Шундоғам уйда ётибди-ку, еб кетармидик. Хўп денг, айлантисан.

— Бугун-эрта келиб қолса, нима дейсиз?

— Келмайди, кўрасиз, нари борса бирон ойка кутади, қайтариб берамиз. Ишонасизми, хотинимнинг аврашларига негадир менинг ўзимда ҳам мой-

иллик пайдо бўлди ва охири қандай қилиб розилик бериб юборганимни билмай қолдим.

Шундай қилиб бир хокисор йигитнинг менга ишониб бериб кетган пули ҳисобидан тижоратни бошлаб юбордик. Ўн беш кун ичида ҳалиги сарфлаган пулимиз икки баравар фойда бўлиб ўзимизга қайтди. Бировники юкмайди деганлари ёлгон экан-ку, деб хотин ҳам ортганини баланд фоиз қўйиб, дугоналарига бериб турди. Омаднинг қарангки, яна икки-уч ой ўтса ҳам Собиржондан дарак бўлмади. Бора-бора олди-сотди ишларимни гўё ўз пулимга бошлагандай, бировдан қарзим йўқдай ҳис қила

йўқдай ҳис қила

бошладим. Одамни шайтон йўлдан урса шундай бўларканми?

Бир куни уйга келсам, хотиним мени ташвишли кутиб олди.

— Тинчликми, нега қовоғингдан қор ёғаяпти?

— Бугун... анави... Собир деганингиз сизни сўраб келди.

— Э, э, топилдим, нима деди? — бетоқат сўрадим.

— Нима дерди, пулига келган-да, яна келарман деди. Эрта-индин бир жойга кетаётган эмишим-ей.

— Оббо, энди нима қилдик, хотин? Бировнинг пули-да барибир, топиб бериш керак. Ҳозир ишонсанг, бор пулимиз ҳаракатда. Бугун ҳам мол олувдим. Мабодо сенинг фоизчиларинг пул беришмасмикан?

— Ҳозир ойнинг ўртаси-ку, бошида беришадди. Нима бўпти, озроқ кутиб турсин Собиржингиз.

Тасаввур қияласизми, шайтон деганлари бандасини йўлдан урса ёмон бўлар экан. Бир бечора йигитнинг ҳалол пешона тери билан топган омонат пулини

БУНИ ХАЁТ ДЕЙДИЛАР

қайтариш ўрнига биз яна ва яна бойиб қолиш умидида жон ҳолатда турли баҳоналарни тўқиб билан овора эдик.

— Йўқ, хотин, мен яхшиси ҳозир унинг кўзига кўринмаганим маъқул. Сен унга акангиз қутилмаганда 10-15 кунга хизмат сафарига кетиб қолди деб айт. Мен унгача пулларни йиғаман...

"Оларда қилар жоним, берарда чикар жоним" деганлари рост экан. Шундан сўнг Собиржон яна уч-тўрт марта уйга келиб-кетибди. Ўзиям галати йигит экан-да у, ҳар гал қуруқ қайтавергани учунми, орияти устунлик қилган шекилли, кейинчалик умуман келмай қўйди. Биз ҳам ўзимизча уни унутгандай бўлдик. Биз— ҳом сўт эмган бандалар эса буни ўзимиз учун яна бир қулай имконият деб ўйлаган эканмиз...

Минг афсуски, энди ўзимни моддий жиҳатдан анча тиклаб олдим деб учиб юрганимда бирдан қутилмаганда хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, Яратган Парвардигорнинг "ҳисоб-китоб"и бошланганди. Бу оғир синовлар ҳам бизнинг оиламизга Собиржоннинг пулидай осмондан тушди, ердан чиқди, билмай қолдим. Тинчгина яшаб юрган қизимнинг турмуши бўзилиб, кўч-кўрони билан уйга бутунлай қайтиб келди. Бундан ҳам ёмони бир куни... Уйда хотинимнинг хўнграб йиғлаётгани устидан чиқдим.

— Нима бўлди сенга, тинчликми? Айтсанг-чи.

Хотиним зор-зор қақшарди: — Ўлиб қоламан, дадаси, ўламан энди. Гапирманг!

— Одамни қон қилмасанг-чи, айта қол, нима бўлди?

— Сиз сўраманг, мен айтмайин, бугун ўлгингизнинг анализлари чиқибди. Миясида шиш бор экан. Дўхтир вақти ўтибди деди.

— Нима?! Йўқ, мумкин эмас! — деганимни биламан... кейин бехос йиқилдим. Кўзимни очсам, касалхонада ётибман, бошимда аёлим йиғлаб ўтирарди... Омонатга хиёнат бир менга эмас, бутун оиламизга жуда қимматга тушди. Собиржондан эса ҳалигача хабар йўқ. Энг ёмони, ўшанда унинг қайси туман, қайси қишлоқдан эканлигини ҳам сўрамабман. Энди ишонинг, азиялар, уни излаб дунёнинг нариги бурчагигача поюпиёда боришга ҳам тайёрман. Қайдасан, Собиржон, овоз бер, омонатингни олиб кет, мендан рози бўлгин!

Ботиржон ақанинг дил изтиробларини Баҳор АЛМУРОВА оққа кўчирди.

«Уч фарзандимизнинг кенжаси Наргиза болалигидан жуда ёқимтой эди. Унинг «р»ни «й»лаб гапиришига ўрганиб кетгандик. Мактабда ҳам аъло баҳоларга ўқиди. Мактабни тугатиб, тикуччилик касбини эгаллади. Ўз мижозларига эга кўли гул чевар бўлди. Вояга етганида кўшни маҳаллалик бир йигитга унаштирдик. Тўйдан аввал бўлғуси куёвимизнинг синглиси уйимизга байрам совғаси олиб келганида Наргиза билан гаплашиб, раҳми келгани учунми, унга «Мен худодан қўрқаман, акамга турмушга чиқиб бахтли бўлмайман» деган сўзларни айтди. Шундан сўнг яна обдон сўраб-суриштириб билсан, ҳалиги гап рост қилди ва ноилжов фотиҳани буздик. Ҳалиги йигит эса тўйи қайтарилгани учун жаҳли қичиб, аламини келиб, қизимнинг шаънига бир дунё тўхмат тошларини отди. Ҳеч бир банда адашмасин экан. Охир оқибат ўзи орадан бир йил ўтгач, қамалиб кетди ва кейин эшитсан, ўша ерда қазо қилиб-

Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг!

ди. Наргизанинг ёши 24 да. Тақдирини ўзиникига ўхшаш, иш тайин, зарарли одатлардан холи йигит учраса, қизимизни узатиш ниятидамиз.

САЛИМА хола, Тошкент вилояти

«Равшан узок қариндошимизнинг ўғли эди. Онаминг раъйига қараб жигарўшаллик ришталарини мустаҳкамлашга рози бўлдим. Куёв бўйи-баста келишган, истараси иссиқ йигит экан. Менга ҳам маъқул келди. У тоғамнинг уйида ёз бўйи иморат қурилишида устачилик қилди. Меҳнатсеварлиги, хушмуомалалиги билан ота-онамининг назарига тушди. Онам раҳматли ўшанда хурсандлигидан ҳадеб «Бобосига ўхшабди, амманнинг ўғли ҳам ишнинг кўзини биладиган инсон эди» дерди. Равшан билан кузда тўйимиз

бўлди. Тинч-тотув яшай бошладик. Иккинчи қизимиз туғилгач, синфдошларига қўшилиб узок юртга ишлагани кетди ва бир йил деганда қайтиб келди. Ёқамни ушладим, у бутунлай ўзгарган эди. Менга паст назар билан қарайдиган одат чиқарди. Учинчи қизимиз туғилди. Яна хорижга ишлагани отланди ва шу кетганича қайтиб келмади. Оғир кунларимда ота-онам суняч бўлди. Қизларим қанотимга кирди. Икки қизимни ҳеч кимдан кам қилмай, узатдим. Гоҳида кичик қизимни ҳам эгасига топширсам, ўзим ҳам ёлғизликни қоламанми, деган ўй-ташвиш тинчлик бермайди. Ёшим 41 да. Маълумотим олий. Қадримга етадиган, иймонли, хунарли инсон учраса, турмушга чиқмоқчиман.

ФАРИДА, Жиззах вилояти

«Умид билан сизларга хат ёзаяпман. Онаминг ота-онаси болалигида қазо қилиб, етимликда қийналиб ўсган экан. Шу сабабли бўлса керак, касалманд бўлиб қолганди. Отам ҳамиша онамни авайлаб, улардан меҳрини аямасди. Биз беш фарзандни ҳам қийналиб бўлсаларда вояга етказишди. Онам бизларнинг орзу-ҳавасимизни кўрсин деган мақсадда отам бизларни тенгдошларимизга қара-

ганда сал эртaroқ уйлантирди. Сингилларимни узатди. Бир йилда иккиталаб тўй қилди. Тақдир экан-да, онам 55 ёшида дунёдан ўтди, шунга ҳам мана олти йил бўлибди. Тўғри, отамга ҳам-мамиз бирдек меҳрибонмиз, қўлимиздан келгунича кўнглига қараймиз. Лекин барибир қадимгилар бежизга тани маҳрам дейишмас экан, энди сезяпмиз-ки, баъзан отам касалликка чалинсалар жуда инжиқ бўлиб қолади. Отамнинг ёши 61 да. Нафақад бўлса-да, ишлайди. Ёшига мос, меҳрибон, ёлғиз аёл учраса, улардан ҳам фарзандлик меҳримизни аямасдик.

ИКРОМ, Самарқанд вилояти

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқига хат йўллаётган ёки бево-сита муурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

ОИЛА ОМОНАТ ҚУРИЛМАЙДИ

Мустақил Ватанимиз Бош Қомуси қабул қилинганига роппа-роса 18 йил тўлди. Тасаввур этиясизми, 1992 йилнинг 8 декабрида дунёга келган гўдак бугун 18 ёшга кирди. Уни энди чин маънода истиқлол фарзанди десак ярашади. Сизу бизга қараганда дунёқарашни, онги ва борлиқни англаши ҳам ўзгачароқ бўлган йилгит(қиз)нинг гап-сўзлари ҳам анча бийрон, ҳар қандай соҳага таллуқли бўлган саволингизга жўяли жавоб оласиз ва шунда беихтиёр "Ақли, эсли-хушли қилиб тарбиялаган ота-онасига минг раҳмат" дейсиз...

Хизмат тақозоси ва турли жамоатчилик ишлари баҳонасида маҳаллалар, ўқув масканлари ва фуқаролар ҳузурда кечадиган мулоқотларда расмий никоҳ ва томонларнинг қонунарида белгилаб қўйилган ҳақ-хуқуқлари тўғрисида кўплаб саволлар тушади. Уларнинг аксариятини бўлғуси куёв ва келин тарафларнинг тўйдан аввалги ўзаро келишув, маслаҳатлари ва охири-оқибатда келиб чиқаётган айрим низо-лар, можаролар ташкил этади. Конституцияда эса расмий никоҳлар икки тарафнинг ихтиёрий розилиги асосида қайд этилиши аниқ кўрсатиб қўйилган. Ҳеч ким ҳеч қачон бировни мажбуран қувейликка ёки келинликка рўйхатдан ўтказишга ҳақли эмас.

Давра суҳбатлари, никоҳ кечаларида, учрашувларда биринчи навбатда катталар яъни бува-бувилар, ота-оналар фарзандлари тақдирига дахлдор бўлган никоҳ масаласида никоҳда эҳтиёткорлик билан етти ўлчаб, бир марта кесишларини маслаҳат берамиз. Негаки, ҳеч ким уйланаётган ёки турмушга чиқаётган маҳаллада омонатга оила қураётган, бир-икки ой яшаб кўрай-чи, кейин бир гап бўлар деган ниятда тўй-томошага розилик бермайди. Ҳаётнинг қувончли-ташвишли, аччиқ ва ширин қунари бўлиши табиий ҳол. Чунки йилгитларнинг йўриги бўлади, лекин бутунлай бошқа бир муҳитдан ўзга бир олам — оилга келин бўлиб тушаётган қизнинг ҳолатини тасаввур қилиб кўрайлик. Янги хондонда тарбия ҳам, муомала маданияти ҳам бошқача бўлиши мумкин-ку? У

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 63-модда



энди ана шу оиладаги тутумга мослашиши шарт. Аксинча, ўзига мушкул бўлмоғини энг аввало, унинг ота-онаси тўғри тушунтирмоғи керак.

Баъзан шундай ҳолларга ҳам дуч келамизки, арзимаган сабаб билан келишолмай қолган келин-куёвларни муроасага келтириш, яраштириш ўрнига катталар ўзаро "ҳисоб-китоб" қилишга тушиб кетишади, тўйдаги сарф-харажатлар ёки қийим-кечак, мебель масаласида бир-бирларини обрўсизлантиришга етишади. Шундай пайтда маҳалла оқсоқоллари, кўпни кўрган кексалар, фаоллар ўртага тушиб: "Баракат топгурлар, сизлар айтаётган мол-дунё фарзандларингизга бахт-саодат ато қилолмайди, ундан кўра, ёшларнинг эртасини ўйланг, қудачилик минг йилчилик деган гаплар қаёқда қолди", дея имкони борича умид билан қурилган ёш оилани сақлаб қолиш учун курашишлари керак. Биз аксарият ҳолларда пойтахтимиздаги барча маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган яраштириш комиссияларига

✓ БАХТ ОСТОНАСИ

кўпни кўрган, зиёли ва обрўли инсонларни жалб этиямизки, улар ана шундай муаммо туғилаётган оилалар билан дўпроқ шуғулланишади. Шунинг учун ҳам туман ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда аҳолининг турли қатламлари ўртасида уюштирилаётган тадбирларда Бош Қомусимизда фуқаролар учун белгилаб қўйилган ҳақ-хуқуқлар, шу жумладан, қонуний жиҳатдан қайд этилган никоҳ, тиббий кўрик ва бошқа қўлланилаётган амалий чораларнинг ҳар томонлама афзал жиҳатларини кўпроқ тарғиб этишга ҳаракат қилаёلمиз.

Шу ўринда эр-хотинларнинг Конституцияда кафолатлаб қўйилган муҳим вазибаларидан бири бу уларнинг тенг ҳуқуқлилиги масаласи хусусида ҳам тўхталмоқ жоиздир. Айрим ҳолларда ана шундай нотенглик, яъни бир-бирини камситиш билан боғлиқ ҳаётий воқеалар ҳам учраб туради. Аслида ақлини таниган, маърифатли ва бир-бирини тушунган, ҳурмат қилган оилаларда юқоридagi каби муаммолар туғилмайди. Чунки улар ўз зиммаларидаги инсоний бурчни англаб етганликлари учун ҳеч қандай тафовут ёки устунликни сезмайди. Айтиш мумкинки, тенгҳуқуқлилиқ тушунчасининг асл илдизи ўзбекона одоб-ахлоқ қоидаларига суюнган ҳолда талқин этиладиган бўлса, бу оиладаги ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббат ришта-ларининг қай даражада устуворлиги билан боғлиқдир. Эътибор берайлик, илми, зиёли ва айтиш мумкинки, ҳалол меҳнати билан эл орасида обрў-эътибор топган оилаларда можаролар, қўйди-чикди ёки ажралишлар нисбатан кам учрайди. Бу айтиш хондондаги катта ёшли инсонларнинг таълим-тарбия соҳасидаги тажрибалари билан бевосита ва билвосита боғлиқлигини инкор этиш қийин. Ана шунинг ўзи ибрат оلسа, тарғиб этса арзийдиган ҳаётий мисоллар эмасми?

Дарвоқе, ҳар биримиз бу дунёда яшши ном қолдирмоқ учун ёруғ орзумидлар билан яшаймиз, юрт қорига ярайдиган муносиб, комил фарзандлар тарбиялашга интиламиз. Ниятимиз шу: бундай эзгу мақсадларимизга эришмоқ бахти барчамизга насиб этсин.

Зумрадхон АҚРОМХУҲАЕВА,
Тошкент шаҳар 1-Бахт уйи директори, юридик фанлари номзоди, шаҳар кенгаши депутати.

ТЎҒРИ ТАРБИЯНИНГ ЖАВОБИ

Баъзан одамлар орасидаги суҳбат, гурунларда эшитиб, ўқиб қоламиз: фалончининг фарзанди отасини хўрлабди, онасини мурувват уйига топшираман деса, кўни-кўшнлари рози бўлмасдан, ўз уйларига киритиб олишибди ва ҳоказо... Бу гаплар бошқа ўлкада эмас, минг афсуски, ахён-ахёнда бўлса-да, биз яшаётган, ота-боболари меҳр-мурувват бобида дунёга ўрнак бўлган юрда учраб турибди. Бу қайси тарбиянинг таъсири деб ўйлаб қоласан киши.

Ота-онамиз Яратганнинг инояти билан бизнинг дунёга келишимизга сабабчи эканлиги ҳеч қачон инкор этиб бўлмайдиган оддий ҳақиқатдир. Улар ҳар қандай шароитда ҳам, ўзи емаса, ичмаса-да, фарзандининг сиҳат-саломат вояга етмоғи, илми, тарбияли бўлмоғини чин дилдан истаганлари боис оилда кўнгилдагидек шарт-шароит яратиб бериш учун интилади, тиним билмай ишлайди. Энг муҳими, эл-улус олдида ўзларининг муқаддас шаъну гурунларини ҳимоя қилмоқ мақсадида ўғилни, қизни, барибир бир хил назар билан қараб, ўқитади, уйлантиради, турмушга беради.

Тўғри, буларнинг барчасини биз ота-оналаримиз ўз зиммаларидаги бурч ва мажбуриятларни бажаришяпти деб ҳисоблаймиз. Аксарият ота-оналар ўз фарзандларига кўрсатилган чексиз меҳр-муҳаббатини ҳеч қачон миннат қилишмайди. Бу албатта, халқимиз учун табиий ҳол саналади. Лекин гуруч курмасиз бўлмагани каби, баъзан болалар тарбиясида йўл қўйилаётган қийин ҳатоликлар туфайли ота-оналарнинг жабр кўриб қолаётганига ҳам гувоҳ бўлиб турибмиз. Бироқ бир умр фарзандининг камолоти йўлида елиб-югуриб яшаган киши кексайганида хўрланса, бу қайси бир инсоний қонун-қоидага тўғри келади? Шу боис ҳам Бош Қомусимизнинг 66-моддасида алоҳида қайд этилган мажбурият биз ёшларга жиддий масъулият юклаши керак. Чунки эртага бизнинг ўзимиз ҳам ота ва она деган шарафли номга мушарраф бўлганимизда олдинда қандай қисмат кутиб турганини билмаймиз-ку! Шунинг учун бугун айна балоғат ёшига етиб, қасб-хунарли бўлмоққа интилаётган тенгдошларимизнинг ҳозирданқо муносиб фарзандлик илминини ҳам чуқур эгаллаб боришларини чин дилдан истардим.

Мавлуда БЕКМУРОДОВА,

Тошкент Юридик институти 2-босқич талабаси.

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналарига ҳақда ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 66-модда.

✓ НУҚТАИ НАЗАР

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди.
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти — 15:00
Босишга топширилди — 16:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Мухбирлар: 233-04-50

Котибият: 237-21-82

«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент — 700000

Амир Темур кўчаси,

1-тор кўча, 2-уй

Мўлжал: Олой

бозори ёнида

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1132. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ, Адади — 7765. Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ
Саҳифаловчи — Илҳом ЖОМАНОВ
Мусахҳиллар — Саидгани САЙДАЛИМОВ, Мафтуна МИНГБОЕВА

ISSN 2010-7609

1 2 3 5

СПОРТ | СПОРТ | СПОРТ

ПОЙТАХТЛИКЛАР КУБОК СОҲИБИ

Қарши олимпия заҳиралари коллежиде миллий кураш бўлича ўтказилган Ўзбекистон кубоги баҳсларида 100 нафарга яқин полвон голиблик учун куч синашди.

Икки кун давом этган мусобақанинг эр-кақлар ўртасидаги беллашувларида пойтахтлик Шухрат Арслонов, қашқадарёлик Абдор Чориев, Давлат Абраев, Сойиб Курбонов, бухоролик Ширин Шарипов, Илғор Асадов ва андижонлик Шароф Лутфуллаев олтин медални кўлга киритди.

Хотин-қизлар ўртасида пойтахтлик Муқаддас Кубеева, Шохида Назарова, Наргиза Хамдамова, Ўғилой Нуралиева, қашқадарёлик Соҳиба Эштемирова, Обида Оллодўстова ва андижонлик Гулзира Каримова шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Мусобақада пойтахтлик полвонлар кубокни кўлга киритган бўлса, Бухоро вилояти курашчилари иккинчи, Самарқанд ва Қашқадарё вилояти полвонлари учинчи ўринни эгаллади.

ЖЕПАРОВ — ЧЕМПИОН!

«Кей» лиганинг ҳал қилувчи финал учрашувининг жавоб учрашуви Сеулда бўлиб ўтди. Мамлакат чемпионатини биринчи ва иккинчи ўринларда якунлаган бу икки жамоа ўртасида «ҳаёт-мамот» жанги қизиқари курашларга бой тарзда кечди.

Биринчи бўлимда томонлар дарвозага биттадан тўп киритиб, дуранга имзо чекиш-



ди. Ушбу натижанинг ўзиёқ «Сеул»ни мамлакат чемпиониغا айлантириши мумкин эди. Бироқ бундай қалтис натижа билан ўйинни якунлашни истамаган пойтахтликлар 74-дақиқага келиб ҳисобда олдинга чиқиб олди. «Сеул»нинг бразилиялик легионери Адилсон бу вазиятда муваффақият қозонди. Ушбу гол Нело Вингада шогирдларини олтин медаль соҳибига айлантирди.

Эътиборли томони, пойтахтликлар сафида жорий мавсумнинг иккинчи ярмидан бошлаб «Сеул» таркибиде ҳаракат қилаётган Сервер Жепаров Жанубий Корея «Кей» лигаси чемпионилигини кўлга киритди.

Узоқ давом этган чемпионлик курашида ғалаба қозонган ҳамюртимизни ушбу ғалаба била табриқлаймиз.

Интернет манбалари асосида
ЎЗМУ талабаси Салоҳиддин
ИСОМИДДИНОВ тайёрлади.

«Оила ва жамият» газетаси ижодий жамоаси бош муҳаррир ўринбосари, бош ҳисобчи Суян Муҳаммадиева синглиси **Мавжуда МУҲАММАДИЕВА**нинг вафот этганини муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.